Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2015 йил 20 май
ЧОРШАНБА
№ 39 (12779)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

## ИННОВАЦИОН ҒОЯ, ТЕХНОЛОГИЯ ВА ЛОЙИҲАЛАР

**Ҳар йили ўтказилаётган анъанавий Инновацион ғоялар, технология ва лойиҳалар республика ярмаркаси салкам ўн йилдан буён фан, ишлаб чиқариш ва бизнесни ривожлантириш учун қулай имкониятлар яратиб бермоқда.**

Ўтказилган ярмаркалар доирасида 3500 дан ортиқ инновацион ғоя ва технологиялар намойиш этилиб, умумий қиймати 86,8 млрд. сўмлик 2300 тадан ортиқ шартномалар имзоланди. Ярмаркалар натижасида йирик корхоналарда 22 та илғор технологиялар жорий қилиниб, 1 трлн. сўмдан ортиқ янги маҳсулот ишлаб чиқарилди, 54 та технология ва ишланмаларнинг саноат синовлари якунланмоқда. Юзлаб корхона, фермер хўжаликлари ва тадбиркорлик субъектларига илмий хизматлар кўрсатилди.

Бу йилги VIII инновацион ғоялар, технология ва лойиҳалар ярмаркаси ҳам 5 та йўналиш бўйича ўтди. "Саноат" йўналишида нефтгаз, кимё, тоғкон саноати, пахтани қайта ишлаш тармоғи ҳамда тадбиркорлик ва кичик бизнес учун жами 150 та ишланма тақдим этилди.

"Ахборот технологиялари" йўналишида эса 75 та янги ишланма ва дастурий маҳсулот, "Соғлиқни сақлаш ва фармацевтика" йўналиши бўйича 82 та ишланма ҳамда касални даволашнинг янги усуллари ва замонавий технологиялари, "Қишлоқ хўжалиги" бўйича 121 та ишланма тақдим этилди. "Фан ва таълим" йўналиши стандартларида таълим, ёш авлодни тарбиялаш соҳасида кейинги йилларда эришилган ютуқлар, тайёрланган илмий монография, дарслик ва ишлаб чиқилган илғор педагогик технологиялар, жами 25 та ишланма тақдим этилди.





Келгусида маҳаллий ишлаб чиқарувчи ва тадбиркорлар, хорижий ва халқаро жамғармаларнинг диққатини ва молиявий маблағларини республикамиз илмий ташкилотлари ва университетлари ишлаб чиққан энг илғор технологияларга жалб қилиш мақсадида янги йўналиш – "Юқори технологиялар" (ёки "Hi Tech") ташкил этилиб, ген инженерияси, ҳужайра технологиялари, фармацевтика ва биотехнологиялар, нанотехнологиялар, шунингдек ахборот технологиялари соҳаларида инновацион технологиялар тақдим этиш режалаштирилди.

Шунингдек, саноат корхоналари, тадбиркор ва кичик бизнес вакиллари учун яна битта янги "Энергия ва ресурс бўйича тежамкор технологиялар" йўналиши ташкил этилади. Энергия ва ресурсларни тежаш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишнинг самарали усуллари бўйича 50 та ишланма тақдим этилади.

**Ирода НОРБОЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Азамат АҲМЕДОВ**
**олган суратлар.**

Юксак маънавият – енгилмас куч

## АХБОРОТ БОЗОРИДА АЛДАНИБ ҚОЛМАНГ

**Юрти тинч элнинг баҳори ҳам, ёзи ҳам, кузию қиши ҳам – кўйингки, ҳар бир куни файзли-тароватли бўлади.**

**Мазкур фикрлар муаллифини топдингиз-а?! Майли, бу ҳақда кейинроқ...**

...Дадамат имтиҳондан йиқилди. "Мол-ҳолни, дала-даштни қўй, дарсингни қил. Сендан умидимиз катта. Ҳеч бўлмаса сен одам бўлгин, болам!". У отасининг шу сўзларини эслади. Эсладию, қишлоғига қайтишга номус қилди. Ота-онасига телефон қилишга юзи чидамади. Шу тариқа шаҳарда ишлаб қолди. Болалигида ҳамқишлоғи Ҳаким бувадан ўрганган ҳунари – темирчилик кетидан кун кўрди.

Бўзбола бўш вақтларини телефонга термилиш, чет элда ўқиётган, ишлаётган тенгқурлари билан "чат"лашишга сарфлади. Кунлардан бирида узоқ йиллардан буён Туркияда яшаб юрган ҳамқишлоғи Бегмат ака Дадаматга ҳар қандай кишининг эсини чиқариб, пайтавасига қурт туширадиган иш таклиф қилди. Ўзи палончи, номи пистончи бўлиши учун интилаётган йигитга бу айни муддао бўлди.

Дадаматни аэропортда Бегмат ака кутиб олди ва шу куниёқ квартирага жойлаштирди. Меҳмоннинг ҳамхоналари қўшни мамлакатлик йигитлар экан. Дадаматнинг келганига бир ҳафта бўлди. Ишдан дарак йўқ. Ҳалиги йигитлар эса жойидан қимирламайди. Нуқул аллақандай китоблар ўқиб, интернетни кавлаштиради. Нонушта, тушлик, кечки овқатдан кейин стол атрофига тизилиб, ўзаро баҳслашади. Турли режалар тузишади. Телефонда кимлар биландир узоқ суҳбатлашади.

Уларнинг бу ҳолати Дадаматни қизиқтириб қўйди. Токчадаги китобни олиб, варақлади. Саҳифаларда жанг санъати сирлари, қуроллардан фойдаланиш усуллари, портловчи моддаларни қўлбола тайёрлаш йўллари хусусида батафсил маълумотлар берилган бўлиб, китоб – террорчилик психологиясини тарғиб қилишдан иборат эди...

Дадамат "қармоқ"қа осонгина илинди. Яқин Шарққа бориб, қонли тўқнашувларда қатнашди. Террорчиларнинг раҳнамоси унга маълум юмушни бажарса, қўмондонлик унвонини беришини ваъда қилди. Дадамат бунга ҳам рози бўлди. Унинг вазифаси: кўрган лавҳалари, эшитган маърузалари, ўқиганларини Ватанига қайтиб, ўзи сингари ёшлар орасида тарғиб қилиш ва уларни белгиланган манзилга олиб бориш эди.

(Давоми 2-бетда).

Бандлик

## ДАСТУР ИЖРОСИ АМАЛДА

**Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор суръатлар билан ривожлантиришга қаратилаётган эътибор туфайли ялпи ички маҳсулотнинг юқори ўсиш суръатлари таъминланмоқда. Бу саноат ишлаб чиқариши, инвестициялар ҳажми ва аҳолининг реал даромадлари ошишида муҳим аҳамият касб этмоқда.**

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани уларнинг нафақат иқтисодиётдаги улуши, балки иш билан банд аҳолининг салмоғи ортишига замин яратмоқда. Айни пайтда иш билан банд аҳолининг 77 фоизи шу соҳада меҳнат қилмоқда.

Аҳоли бандлигини, шу орқали одамларнинг фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш борасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ҳам зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ҳар йили ҳукумат тақдимномасига биноан иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури кўриб чиқилиб, тасдиқланмоқда ҳамда унинг ҳаётга татбиқ этилиши устидан парламент назорати олиб борилмоқда. 2014 йилги дастурни амалга ошириш натижасида мамлакатимизда 980 мингдан ортиқ, жумладан, ёшлар, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун янги иш ўринлари ташкил этилди. Жорий йилда ҳам шу йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 2015 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг ижросига бағишлаб ўтказилган йиғилишда шулар ҳақида сўз юритилди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Тошкент вилояти ҳокимлигининг ахборотлари тингланди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси Ё. Умаров ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида халқ манфаатларини таъминлаш, фаровонлигини янада ошириш йўлида тизимли ишлар йўлга қўйилганини таъкидлади. Аҳоли реал даромадлари йил сайин ўсиши билан бирга, уларнинг турмуш шароити, зарур истеъмол товарлари билан таъминланиш даражаси ҳам юксалиб бормоқда.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг ахборотига кўра, жорий йилнинг январь-март ойларида мамлакатимиз бўйича 141,1 минг иш ўрни яратилган. Уларнинг 88,3 мингги қишлоқ ҳудудларига тўғри келади. Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига мувофиқ 4,6 минг лойиҳани амалга ошириш натижасида 28,6 мингта иш ўрни ташкил этилган.

(Давоми 3-бетда).

Давра суҳбати

## ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИК САМАРАЛАРИ

**Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтида "Ижтимоий-иқтисодий дастурларни амалга оширишда давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ижтимоий шериклик муносабатлари" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.**

Республика Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Фонд маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссияси, вилоят адлия бошқармаси, ЎзННТМА ва фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлинмаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Олий Мажлис ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Фонд маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссияси аъзолари, ЎзННТМА вакиллари, вилоят адлия бошқармаси масъул ходимлари, вилоятда фаолият юритаётган ННТ раҳбарлари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Тадбирдан мақсад Олий Мажлис ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди эълон қилаётган грант танловларда вилоятда фаолият юритаётган ННТнинг самарали иштироки юзасидан атрофлича фикр алмашишдан иборат.



Давра суҳбати иштирокчилари республика парламенти ҳузуридаги Жамоатчилик фондининг 2015 йилдаги муҳим ижтимоий лойиҳалар, ННТ дастурлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш бўйича фаолиятининг устувор йўналишлари, Жамоатчилик фонди томонидан қўллаб-қувватланган муҳим ижтимоий аҳамиятга эга грант лойиҳалари ижросини таъминлашда ННТлар иштирокининг долзарб масалалари, Жамоатчилик фонди қўллаб-қувватлаган грант дастурлари ижросини таъминлашда ҳудудий ННТлар тажрибаси каби муҳим мавзуларда маърузалар тингладилар.

Тадбирда таъкидландики, вилоятда фаолият кўрсатаётган 106 та ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари 2009-2013 йилларда ўтказилган танловларда 122 та ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳалари билан иштирок этди. Шундан парламент комиссияси қарорларига мувофиқ 30 та энг яхши ижтимоий аҳамиятга лойиқ лойиҳа 373,1 миллион сўм миқдорида давлат гранти шаклида қўллаб-қувватланди.

**Азамат АҲМЕДОВ**
**олган сурат.**

Ҳуқуқий дарсхона

## НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ

**Фуқаролик жамияти қай даражада ривожланганини кўрсатувчи энг муҳим институтлардан бири, шубҳасиз, кучли жамоатчилик назоратидир. Давлатимиз раҳбари илгари сурган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да фуқаролик жамияти институтларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ижтимоий ҳамкорлигини кучайтириш, нодавлат нотижорат ташкилотларининг жамиятимиз ҳаётидаги фаол ижтимоий-сиёсий иштирокини кенгайтириш учун қулай шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилган. Жамоатчилик назорати фуқаролик жамияти институти сифатида муҳим аҳамиятга эгалиги билан ажралиб туради.**

(Давоми 3-бетда).

«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

## «ЭЪТИБОРСИЗЛИКМИ ЁКИ ГАЗЕТАНИ МЕНСИМАСЛИКМИ?»

**Газетамизнинг шу йил 25 апрель сонида юқоридаги сарлавҳа остида чоп этилган мақолада Зангиота туманининг "Истиқбол" газетаси йил бошида эълон қилган "Асоссиз ошган нархлар" ва ""Газел"лар қайга йўқолди?" номли мақолаларга бирор бир ташкилот ёки идора муносабат билдирмагани ҳақида ёзилган эди. Унга жавобан Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти бошлиғи вазифасини бажарувчи Ш. Назаров имзоси билан таҳририятта келган хатда хусусан шундай дейилади:**

"Истиқбол" газетасида чоп этилган "Асоссиз ошган нархлар" ва "Газел"лар қайга йўқолди?" сарлавҳали мақолаларга жавобан қуйидагиларни маълум қиламиз:

Департаментга 2015 йил 13 январь куни Зангиота тумани ҳокимлигидан туманни Тошкент шаҳри билан боғловчи йўналишларда йўл ҳақи 1000 сўмдан 1500 сўмга оширилганлиги тўғрисидаги хат келиб тушган. Муаммо жойига чиқиб ўрганилганда, йўл ҳақи ушбу йўналишларда ноқонуний, яъни лицензиясиз фаолият кўрсатаётган автомобиллар ҳайдовчилари томонидан оширилганлиги маълум бўлди.

Зангиота туманидаги ташувчиларнинг бу ўзбошимчаликка алоқаси бўлмасада, бундай ҳолатларга йўл қўйилмаслиги учун туманда фаолият кўрсатаётган барча ташувчиларга белгиланган йўл ҳақини оширмасдан, йўналиш йўл ҳақи тарифи жадвали асосида хизмат кўрсатишлари тўғрисида кўрсатмалар берилди.

(Давоми 2-бетда).

Мурожаат йўлга чорлади

## ҚИРҒОҚНИНГ ТИЛИ БЎЛГАНДА ЭДИ...

**Ишхонамда навбатдаги мақола учун тўплаган маълумотларни кўздан кечириб ўтиргандим, телефон жиринглади. Гўшакни олсам, овозидан кексалиги билиниб турган отахон гап бошладилар:**

– Болам, "Тошкент ҳақиқати"ни мунтазам ўқиб борамиз. "Ҳаёт сабоқлари", "Кўзгудаги ўзимиз", "Жиноятга жазо муқаррар" каби тарбиявий мавзудаги мақолалар тез-тез чоп этилаётгани яхши бўлаяпти. Айниқса, вилоят ҳокимлигидаги мажлисларда тилга олинаётган камчилик ва нуқсонлар ҳақидаги мақолалар ҳаммага ёқаяпти. Хусусан, биз Ангрен шаҳар Ғафур Ғулом номли маҳалла қариялари газетанинг танқидий чиқишларини қизиқиш билан кузатиб бораяпмиз. Фурсатдан фойдаланиб, сизларни маҳалламизга таклиф қилмоқчиман. Унинг табиати гўзал. Айниқса, Қорабоғсой қирғоқларини айтмайсизми, ҳавоси тоза, ҳавас қиладиган жойларимиз кўп. Биз кексалар оқшом чоғлари шу сўлим гўшага чиқиб, невара-авараларни етаклаб, сайр қиламиз. Аммо кейинги пайтларда Қорабоғсойимизга кўз тегди. Бу ерга ҳар хил машиналарда келиб, ҳаммаёқни ифлослантириб, чиқиндилар тўкиб кета бошлашди. Уларнинг қўланса ҳидига чидаб бўлмайди. Бу ҳақда ҳокимиятдагиларга, ободонлаштириш бошқармасига бир неча бор айтдик, телефон орқали етказдик. Аммо жавоб бериш у ёқда турсин, ҳатто бир келиб, кўриб кетишмади ҳам. Куни кеча ҳам бир "Дамас"да келиб, ахлат тўкиб кетишди. Бу ҳол қачонгача давом этади?..

(Давоми 2-бетда).



Истиқлол иншоотлари

# ЯНГИБОЗОРДА ЯНГИ «БАХТ УЙИ»

**Юқори Чирчиқ тумани марказида қад ростлаган "Бахт уйи" биносининг ташқи ва ички қиёфасида замонавий ҳамда миллий меъморчилик ечимлари уйғунлашган бўлиб, янги оилалар никоҳини қайд этиш учун тантаналар зали, келин-куёвлар ва фуқароларга алоҳида кутиш хоналари, архив ҳамда давлат нотариал идораси жой олган.**



– Маълумки, жамият тараққиётида Оила институтининг ўрни ва аҳамияти беқиёс, – деди очилиш маросимида сўзга чиққан вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева. – Шу боис давлатимизда азалдан унинг кичик бир бўлаги, жисмоний ва маънавий етук авлод тарбиясида асосий ўрин тутадиган оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугун шундай бахт қўрғонларининг беназир нуфузи оилаларнинг аҳил-тотувлиги ва фаровонлиги, жамият барқарорлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиш билан бирга юртимиз кўркига кўрк бағишлайди.

Шундан сўнг, "Бахт уйи" қурилишига ҳисса қўшганларга совғалар топширилди. Шунингдек, 50 йилдан зиёд бирга бахтли ҳаёт кечирган кекса умрдошларга туҳфалар тарқатилди.



– Биз Раҳима момонгиз билан ўтган асрнинг 60-йилларида турмуш қурганмиз, – дейди янгибозорлик Эргаш бобо. – У вақтларда никоҳни бундай кошоналарда қайд этиш қаёқда дейсиз. Қишлоқ кенгашларида расмийлаштириб қўйишарди, холос. Бугун шундай байрамга таклиф этишганидан, болаларимизга яратилаётган шароитлардан қувониб турибмиз. Албатта, буларнинг барчаси бебаҳо тинчлигимиз шарофатидан. Юртимизда фаровонлик, ободлик сари қўйилаётган улкан одимлардан яйрайман. Ахир буларнинг барчаси бизнинг болаларимиз, набираларимиз учун. Илоҳим, шу "Бахт уйи"да оила аталмиш муқаддас даргоҳга қадам қўядиган ёшлар бахт қўрғонларининг пойдевори мустаҳкам бўлсин.

Дарвоқе, худди шундай дил изҳорлари ушбу янги кошонада илк бор никоҳлари қайд этилган келин-куёв К. Абдуфаттоҳов ҳамда М. Тўлабоеванинг кўнглидан ҳам кечганига шубҳа йўқ. Зотан, мамлакатимизда бевосита Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган бу сингари эзгу ишлар фақат фарзандларимиз бахт-саодати, уларнинг ёруғ келажаги учундир.

**Ҳ. ЎРОЛОВА.**

**А. ЮСУПОВ олган суратлар.**

**Давлатимиз раҳбарининг "Фарзандлари соғлом юрт – қудратли бўлур" деган гаплари аҳолининг репродуктив саломатлигини яхшилашга қаратилган кенг кўламли ишлардан кўзланган олижаноб мақсадларнинг ифодасидир.**

# ҚИШЛОҚДА – ТИББИЁТ КЛИНИКАСИ

Бугунги кунда қишлоқ жойларидаги тиббиёт муассасаларининг салоҳияти шаҳарлардагидан асло қолишмайди. Ўрта Чирчиқ тумани, Қорасув қишлоғида фойдаланишга топширилган замонавий тиббиёт клиникаси ҳам энг янги тиббий асбоб-ускуналарга эга.

"Гулсанам медикал" номли ушбу хусусий тиббиёт клиникаси гинекология, кардиология, терапия бўлимлари, шунингдек, ультратовуш текшируви диагностикаси, электр кардиограмма, лаборатория ва муолажа хоналаридан иборат бўлиб, юқори тоифали мутахассислар беморларга хизмат қилишади.

– Қишлоқ жойлардаги замонавий тиббиёт ускуналари ва юқори малакали мутахассисларга эга бундай клиникалар маҳаллий аҳолига катта қулайликлар яратади ҳамда турли касалликлар билан боғлиқ муаммоларнинг олдини олиш, уларни самарали даволаш имкониятини беради, – дейди клиника бош шифокори, олий тоифали гинеколог, тиббиёт фанлари номзоди Гулсанам Баҳодировна.

Аввал "Ветеринария дорихонаси" бўлган ва кейинги пайтларда фойдаланилмай, бўш ётган бинони тадбиркор Фахриддин Умаров қайта таъмирлаб, тиббиёт клиникасига мослади ва фойдаланишга топширди.

**Маъмуржон БОЗОРАЛИЕВ.**

Авлодлар учрашуви

# ДИЛЛАР ҚУВОНЧГА ТЎЛДИ

**Бекобод педагогика касб-ҳунар коллежида Кексаларни эъзолаш йили муносабати билан "Юзида нур, сўзида дур фахрий устозлар" шиори остида авлодлар учрашуви бўлиб ўтди.**



Тадбирга мазкур ўқув даргоҳида меҳнат қилган, ҳозир қарилик гаштини сураётган собиқ устоз ва мураббийлар таклиф этилди. Сўзга чиққанлар кексаларга кўрсатилаётган эҳтиром ва эътибор учун миннатдорчилик билдириб, коллеж жамоасига раҳматлар айтишди. Дийдорлашув онлари қизғин суҳбатларга уланиб кетди. Қизиқарли воқеалар, унутилмас хотиралар ёдга олинди. Дилрабо куй ва қўшиқлар барчани рақсга чорлади.

Учрашув сўнгида устоз ва мураббийларга коллеж маъмуриятининг эсдалик совғалари топширилди.

**Нилуфар БОЙМУРОДОВА, тарих фани ўқитувчиси.**

Юксак маънавият – енгилмас куч

# АХБОРОТ БОЗОРИДА АЛДАНИБ ҚОЛМАНГ

Дадамат ўтирган самолёт Тошкентга келиб қўнди. Унинг ўзини бежо тутиши ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларида шубҳа уйғотди. Текшириш чоғида унинг мақсадини телефони фош этди. Дадамат суриштирув жараёни ниҳоясида бу ишлари жиноят, катта гуноҳ эканини тушуниб етди. Аммо, ғишт қолипдан кўчганди...

Инсоният XXI асрда яшаётганига ҳам 15 йил бўляпти. Шу вақт ичида дунёнинг турли минтақа ва ҳудудларида кўплаб қонли тўқнашувлар, хунрезликлар, экстремистик террактлар содир этилди. Бунинг оқибатида ҳатто йирик шаҳарлар вайронага айланди. Минглаб бегуноҳ одамлар қурбон бўлди. Энг ачинарлиси, қурбонлар орасида мурғак гўдаклар, оналар ва ёши улуғ инсонлар кўпчиликни ташкил этади.

Афсуски, бир тўда террорчилар муқаддас дин байроғи остида ўзларининг кўпорувчилик ва босқинчилик каби ваҳшиёна ҳаракатларини бугунги кунда ҳам дунёнинг турли минтақаларида давом эттирмоқда. Жумладан, Ироқ ва Сурия мамлакатларида бўлаётган қонли тўқнашувлар, турли диний мазҳаб ва оқимлар ўртасида кучайиб бораётган ўзаро низо ва зиддиятлар, кўплаб бегуноҳ одамларнинг қурбон бўлаётгани барчани ташвиш ҳамда хавотирга солмоқда.

Маълумотларга кўра, ақидапарастлар, турли диний экстремистик ташкилотлар сафларини янада кенгайтириш мақсадида ўзининг ёвуз ғояларини турли воситалар, хусусан, интернет орқали кенг тарғиб қилмоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, интернетда терроризм ва бошқа бузғунчиликларни тарғиб қилувчи веб-сайтлар, ижтимоий тармоқлардаги гуруҳлар сони тобора кўпайиб бормоқда. Бу ҳолат ҳали дунёқараши шаклланмаган ғўр ёшларнинг соғлом эътиқодини, онгу шуурини заҳарлаётир. Ғаламисларнинг хуружи асосан ёшларга қаратилган бўлиб, улар айнан ўсмирлар учун қизиқарли бўлган воситалардан усталик билан фойдаланмоқда. Жумладан, ёшларнинг қизиқишига қараб, уларни турли видеолавҳалар, фотосуратларни томоша қилишга жалб этиш орқали ёки ташқи кўринишидан оддий ўйин, техника, спортга ўхшаш, лекин ички саҳифаларида фақат бузғунчиликни сингдирувчи веб-журналларни тақдим этмоқда.

Психологлар томонидан ёшлар ўртасида ўтказилган тадқиқотлар маълумотларни сараламасдан, барча ахборотни тўғри, деб қабул қилган айрим ёшлар, ёвуз кучлар, ақидапарастларнинг бўҳтон ва ғийбатга қоришиб кетган ахборотларини ўқиб, уларга ҳамфикр бўлганини кўрсатган.

Манбаларда ақидапарастликнинг вужудга келиши ва ривожланиши билан боғлиқ кўплаб маълумотлар қайд этилган.

Мутахассисларнинг сўзларига кўра, агар диний ақидапарастлик у ёки бу динни ёки мазҳабни ҳақиқий, бошқаларини сохта дейиш билан чекланганда эди, унинг оқибати, нари борса, даҳанаки жанг билан тугарди. Лекин диний ақидапарастлар бу билан чекланмайди. Улар фақат ўзларини энг тўғри йўлдан бораётган диндор дейиш билан бирга, бошқаларни йўлдан озган, деб эълон қилади. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Улар "йўлдан озганлар"ни ўз мазҳабларига ўтказиш учун ҳаракат қилади. Мабодо, "йўлдан озганлар" бунга кўнишмаса, уларни йўқ қилишга уринади.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби, Тошкент вилоятида ҳам диний экстремизм ва терроризмга қарши курашиш, аҳоли, айниқса, ёшларда мафкуравий соғлом иммунитетни кучайтириш, бу соҳада жамоатчилик иштирокини янада фаоллаштиришга қаратилган ишлар изчил амалга оширилмоқда.

Барча таълим муассасалари, маҳалла ва гузарларда тегишли соҳа вакиллари иштирокида учрашувлар, давра суҳбатлари, семинар-тренинглар ўтказилмоқда.

Мазкур тадбирларда ёшларни ўз ёвуз ниятлари ортидан эргаштиришга уринаётган кучлар ва уларнинг асл мақсади ҳақида батафсил маълумот берилиб, тарбиявий, тарғибот ишларини янада кучайтириш зарурлиги кўргазмали воситалар ёрдамида тушунтирилаётир.

– Вилоят аҳолисининг 60 фоизини ёшлар ташкил этади. Уларнинг кўпчилиги яратилган кенг шароит ва имкониятлар туфайли улкан ютуқ ва марраларга эришаётир. Бу барчамизга ғурур-ифтихор бағишлайди, – дейди Маънавият тарғибот маркази Тошкент вилояти бўлими раҳбари Маҳмуд Назаров. – Лекин етарли билим, мустақил фикр ва дунёқарашга эга бўлмаган баъзи ёшларнинг бузғунчи ғоялар таъсирига тушиб қолаётгани ачинарлидир. Шунинг учун ёшларда интернетдаги маълумотларни яхши-ёмон тоифага ажрата билиш саводхонлигини шакллантириш, ўсмирларга интернетдаги фотосуратлар, видеолавҳаларни кўриш юзасидан зарур тавсиялар бериш, келажак авлодни миллий маънавиятга, одоб-ахлоққа салбий таъсир этувчи маълумотлардан ҳимоя қилиш, ахборот хуружларига қарши мунтазам тарғибот ишларини олиб бориш зарур.

Интернетдан фойдаланаётган ҳар бир инсон ўзида яхши маълумотларни олиш ва эшитиш, зарарсиз ахборотларни қабул қилиш кўникмасини шакллантириши лозимлигини бугунги глобаллашув шароити тақозо этмоқда. Шу боис, ахборот асрида одамлар, айниқса, ёшлар у ёки бу информацияларни қабул қилишдан аввал ўзига "Бу ахборотни ким тарқатмоқда?", "Нима учун узатаётир?", "Қандай мақсадни кўзламоқда?" деган саволларни бериши керак. Йўқса ҳавойи, ёлғон гаплару ахборотларга ишониб, Дадамат сингари ўзлигини унутиб, ақидапарастларнинг тузоғига илиниб қолиши мумкин.

Ҳар қандай давлат ўз истиқболини соғлом ва баркамол авлод тимсолида кўради. Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнини, кучли фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий демократик давлат қуришдек эзгу мақсадлар рўёбини ёшлар иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди. Демак, ёшларимизни маънан етук ва жисмонан соғлом инсонлар этиб вояга етказиш билан бирга, уларда ёвуз хуружларга қарши куч – иммунитетни шакллантиришга астойдил киришилса, ҳеч қандай таҳдид ўзининг зарарини ўтказа олмайди.

...Мақоланинг кириш қисмидаги сўзлар... Топдингиз! Президентимизнинг тинчлик ҳақида айтган фикрларидан олинган. Чиндан ҳам, тинчлик эркин ва обод юртга мудом йўлдош бўлади. Бу заминдан қут-барака аримайди, кексалари ҳамиша эътиборда, ёшлари юксак ғамхўрлик оғушида вояга етади. Аҳолиси азиз инсон бўлиб, фараҳбахш кунлар саодатидан масрур яшайди. Шундай экан, Ватанимизда ҳукм сураётган бугунги тинчлик-осойишталикнинг қадрига етиш, уни асраб-авайлаш барчамизнинг фуқаролик бурчимиздир!

**Бекзод ҲИДОЯТОВ, ЎзА мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

# «ЭЪТИБОРСИЗЛИКМИ ЁКИ ГАЗЕТАНИ МЕНСИМАСЛИКМИ?»

Мақолалардаги салбий ҳолатларнинг асосий сабабчилари газетада таъкидланганидек, ЙПХ масканларига яқинлашганда йўналиш кўрсаткичларини яшириб қўядиган, йўловчиларни хоҳлаган нархларда ташиб юрадиган, салонига катта ҳарфлар билан "1500 сўм" деб ёзиб олган, бир-икки чақирим йўл юриб тушадиган йўловчилардан ҳам, йўналишни бошидан охиригача борадиган йўловчилардан ҳам бир хил ҳақ оладиган ўша учар "Дамас" ҳайдовчиларидир.

Шу сабабли, юқоридаги назорат қилувчи органлар томонидан тасдиқланган режа-жадвалга асосан Зангиота туманида рейд тадбирлари ўтказилганда, кўпроқ лицензиясиз автотранспорт воситаларини аниқлаш ҳамда уларнинг ҳайдовчиларига нисбатан қонунда белгиланган тартибда чоралар кўриш учун Зангиота тумани солиқ инспекцияси ходимлари ушбу тадбирлардан унумли фойдаланишлари керак.

Қолаверса, лицензиясиз фаолият кўрсатаётган "Дамас" ҳайдовчилари Зангиота тумани маҳаллаларида яшовчи фуқаролар эканлиги боис ушбу тадбирларда қишлоқ ва маҳалла оқсоқоллари, фаоллари ҳам иштирок этишса фойдадан ҳоли бўлмас эди. Шунда, мазкур ҳайдовчиларнинг ноқонуний фаолияти ушбу йўналишларда қонуний ҳаракатланаётган автотранспорт воситаларининг эгалари, ташувчилар (корхоналар) молиявий аҳволига кескин салбий таъсир кўрсатаётганлиги, оқибатда йўналишда ҳаракат жадваллари бажарилмаётганлиги, уларда давлат тўловлари, солиқ тўловлари, банк кредити, лизинг тўловлари, ойлик маошлардан қарздорликлар вужудга келаётганлиги, мақолада айтилганидек, ушбу йўналишларда ҳаракатланаётган автобус ёки микроавтобусларнинг "йўқолиб қолишига" сабаб бўлаётганлиги тўғрисида фуқаролар йиғинларида тарғибот ва ташвиқот ишлари ҳам амалга ошириларди.

Ундан ташқари, рейдлар мобайнида баённома расмийлаштирилиши лозим бўлган ҳайдовчилар йўловчи ташиш билан шуғулланмаётганликларини рўкач қилсалар, гувоҳлик бериши сўралган йўловчилар ҳайдовчи унинг қўшниси ёки қариндоши эканлигини баҳона қилиб, баённомага имзо чекишдан бош тортадилар, бу албатта солиқ органларининг ноқонуний фаолиятга нисбатан чора кўришида қийинчилик туғдиради.

"Эътиборсизликми ёки газетани менсимасликми?" мақоласидаги саволлар юзасидан қуйидагиларни маълум қиламиз:

"Тошшаҳартрансхизмат" акциядорлик компаниясининг "Чорсу АШБ – Келес деҳқон бозори" йўналиши бўйича 120-автобус қатновини йўлга қўйиш тартиби тўғрисидаги 201-буйруғи Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан бекор қилинган.

Департамент "Чиғатой Оқтепа" ҚФЙ аҳолиси мурожаатидан келиб чиқиб, етти йилдан бери хизмат кўрсатиб келаётган ва ҳозирги кунда ҳаракати тўхтатилган 144-сонли "Бешёғоч – Ўзбекистон ф/у" автобус йўналишини Ибн Сино мавзесидан "Ўзбекистон ф/у"гача қайта тиклашни сўраб, 2015 йил 16 мартда Тошкент шаҳар Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти бошлиғи номига хат билан мурожаат қилган.

Тошкент вилояти ҳокимлигининг шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларида йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссиясининг 2014 йил 17 сентябрдаги 12-сонли йиғилиш баённомаси қарори билан Тошкент вилояти шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичи) автобус йўналишларида ҳар бир йўловчи километр учун – тариф 70 сўмдан 80 сўмгача, йўналишли такси йўналишларида ҳар бир йўловчи километр учун – тариф 80 сўмдан 90 сўмгача белгиланган. Ушбу баённома қарори "Тошкент ҳақиқати" газетасида (2014 йил 1 октябрь) эълон қилинган.

Зангиота туманидаги барча йўналишлар шаҳар атрофи йўналишлари бўлганлиги сабабли, йўналишларнинг масофаларидан келиб чиқиб, ҳар бир йўловчи километр ҳисобида йўл ҳақи тарифи жадвали тузилади.

Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг 2013 йил 29 январдаги 2-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Фуқароларнинг айрим тоифаларига шаҳар йўловчи транспортидан (таксидан ташқари) бепул фойдаланиш ҳуқуқини берувчи гувоҳномаларни бериш тўғрисида"ги Низомга асосан ўқувчи ва талабаларни имтиёзли ташиш кўзда тутилмаган".

* * *

**"Тошвилтранстерминал" автомобилда юк ва йўловчилар ташиш ҳамда автотерминаллар уюшмаси раиси Ш. Исломов мазкур мақолага муносабат билдириб ёзган хатида қуйидагиларни маълум қилади:**

"Тошвилтранстерминал" уюшмаси автоташувчиларнинг ихтиёрий равишда шартнома асосида бирлашган ташкилоти бўлиб, уюшманинг мажбуриятлари замонавий техника ва технологияни қўллаш, таъмирлаш базасини ривожлантириш, янги ҳаракат таркиби сотиб олишда сармояларини жалб қилишни шакллантириш, транспорт воситаларидан самарали фойдаланиш, бизнес режаларини ишлаб чиқиш, мавжуд қарздорликларни ундиришда ёрдам кўрсатиш, Тошкент вилоятида йўналишлар фаолиятини автошоҳбекатлар орқали ташкил этиш, зарурий ташкилотларда уюшмага аъзо бўлган автоташувчилар манфаатини ифода этиш, йўналишлар фаолиятини ташкил этишда ва тендер таклифларини ишлаб чиқишда амалий ёрдам кўрсатиш, уюшма аъзоларининг техник базасидан биргаликда фойдаланишни мувофиқлаштириш каби вазифалардан иборат.

Газетада кўрсатилган нарх-навони белгилаш, ноқонуний автоташувчиларни аниқлаб, уларга чоралар кўриш, лицензиясиз фаолият кўрсатаётган ташувчиларни жавобгарликка тортиш ҳуқуқлари уюшмага берилмаган. Бундай ҳуқуқлар Давлат солиқ қўмитаси ходимларига, ИИВ ЙҲХБ ходимларига берилган бўлиб, таҳририят негадир солиқ бошқармасидан мақолада кўрсатилган муаммолар бўйича жавоб хати олишни кўрсатиб ўтмаган.

Ҳозирги вақтда лицензиясиз ва ҳеч қандай ҳужжатларсиз, ноқонуний равишда йўловчилар ташиш билан шуғулланаётган автоташувчилар фаолияти натижасида тааллуқли ҳужжатлар асосида йўналишларда ишлаётган уюшма автоташувчилари катта зарар кўрмоқдалар. Энг асосийси, давлатимиз бюджетига ноқонуний ташувчилар томонидан солиқ тўловлари тўланмаяпти.

Ушбу ноқонуний автоташувчилар фаолиятига чек қўйиш мақсадида уюшма раҳбарияти бир неча марта турли ташкилотларга хат орқали мурожаат қилган, лекин сезиларли натижаларга эришилмаяпти".

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мурожаат йўлга чорлади

# ҚИРҒОҚНИНГ ТИЛИ БЎЛГАНДА ЭДИ...

Кекса отахоннинг исмшарифларини ҳам сўрашга улгурмадим. Куюниб айтган гапларни эътиборсиз қолдиришни эп кўрмай, эртасигаёқ Ангрен шаҳрига йўл олдим. Ҳокимиятда мени шаҳар табиатни муҳофаза қилиш инспекцияси бошлиғи Фахриддин Самадов билан учраштиришди. У киши табиатни муҳофаза қилишга оид ишлар ҳақида узоқ гапириб, сўнг ташкилот ходими Акбар Ортиқовни менга ҳамроҳ қилди. У билан Қорабоғсойга йўл олдик. Отахон айтганларидек, жуда гўзал жойлар экан. Мени ажаблантиргани шу бўлдики, кўприкнинг чап томони сўлим Пском манзараларини эслатса, ўнг томонидаги аҳволни таърифлашга тил ожиз. Таърифини эшитиш эмас, кўз билан кўрган маъқул. Яхшиямки, қирғоқларнинг тили йўқ...

Акбар Ортиқовга: "Бу ҳолатни қандай изоҳлайсиз?" десам, у елка қисишдан нарига ўтмади ва ишга тушганига эндигина 15 кун бўлганини қўшиб қўйди.

Қорабоғсой бўйлаб юрдик. Отахон тасвирлаган манзара кўз ўнгимда қайта намоён бўла бошлади. Акбар ҳам сурат олишга қизиқар эканми, телефонида мен билан биргаликда ахлат уюмларини тасвирга тушириб борди. Агар ёмғир қуйиб бермаганида, сой бўйлаб яна анча юриш ва аҳоли билан суҳбатлашиш истагида эдим. Афсус...

Акбар Ортиқов билан ҳокимиятга қайтдик. Ҳоким Иброҳим Раҳмонов тошқин хавфининг олдини олиш чорасини кўриш учун кетаётганини айтди. У билан гаплаша олмадим. Ободонлаштириш бошқармаси ва ДСЭНМга ҳарчанд қўнғироқ қилмай, боғланишнинг иложи бўлмади. "Маҳалла" хайрия жамоат фонди шаҳар бўлими раиси Отабек Аноров хонасида экан. Гап нимада эканини англаб, ҳақиқатан ҳам 24 апрель – 5 май оралиғида тошқин хавфига қарши у ерга 100 дан ортиқ машинада бетон плиталари ётқизилганини маълум қилди.

Мен плиталар майли-ку-я, сой бўйлаб ёйилиб ётган ахлат уюмлари қандай пайдо бўлганини сўрадим. У кейинги ҳафтадан Ғафур Ғулом номли маҳаллада ҳашар ташкил этиб, кўрсатилган камчиликларни бартараф этишини айтди.

Хуллас, Ангрендаги суҳбатлар давомида кўплаб саволлар туғилди-ю, уларнинг бирортасига жўяли жавоб топилмади.

Балки, Ангрен шаҳар ҳокимлиги, ободонлаштириш бўлими, ДСЭНМ, табиатни муҳофаза қилиш инспекцияси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди шаҳар бўлимидагилар бу саволларга лўндароқ жавоб беришар.

**Даврон АҲМАД.**



(Давоми. Боши 1-бетда).

Партиялар ҳаёти

# ҚАДРИЯТЛАР БЕШИГИ

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят Кенгаши "Фаол аёллар" қаноти Қибрай маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси, республика "Оила" илмий-амалий маркази, "Тадбиркор аёл" вилоят бўлими ҳамда туман хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда "Оила маънавий меросимиз, қадриятлар бешигидир" мавзуида давра суҳбати ташкил этди.**

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Халқ депутатлари вилоят ва туман Кенгашлари депутатлик гуруҳи аъзолари, маҳаллалардаги намунали оила вакиллари, нуронийлар ҳамда ёшлар иштирок этган тадбирда сўзга чиққанлар оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишда партиянинг роли, хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш хусусида фикр алмашдилар.

– Оила ибрат маскани бўлмоғи лозим, – дейди ЎзХДП мафкуравий ва тарғибот-ташвиқот масалалари бўлими мудири Зулфия Зокирова. – Маънавий меросимиз, миллий қадриятларимизнинг барчаси оила аталмиш мустаҳкам қўрғонда шаклланади.

Тадбир сўнгида партия ва ҳамкор ташкилотлар ҳудудда яшовчи кексалар, ногирон ҳамда намунали оила вакилларига эсдалик совғалари тақдим этди.

**Наргис МАМАТҚУЛОВА.**



Депутат ва ҳаёт

**Бугун депутатларнинг асосий вазифаси юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигини янада юксалтиришга амалий ҳисса қўшишдир. Хўш, улар бу вазифани қай даражада уддалашаяпти? Устувор вазифалар ортга сурилмаяптими? Партия электорати ишончини оқлашаяптими?**

**"Адолат" социал-демократик партияси аъзоси, Оққўрғон туманидаги 35-Олимкент сайлов округидан Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати, вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокори Бахтиёр Қосимов бу ҳақда мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди.**

# МУАММОЛАР ЕЧИМИНИ ТОПИШ ҲАРАКАТИДА

– Оққўрғон туманида ечимини кутаётган муаммолар йўқ эмас. Округ ҳудудини ўрганиб, электр энергияси таъминотидаги узилишларни ҳисобга олиб, замонавий талаблар асосида қурилаётган намунали уйларга қуёш батареясини ўрнатиш, тумандаги ёш авлоднинг жисмоний баркамоллигини таъминлаш мақсадида қишлоқларда мини футбол, маҳаллаларда кичик спорт майдончалари қуришни ташкил этишни режалаштирдим. Шунингдек, қишлоқ коллежларида тракторчи, боғбон, эколог каби мутахассисликларга ўқитиш, репродуктив саломатлик масалалари бўйича туман тиббиёт бирлашмаси, туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" жамоат фонди билан биргаликда тадбирлар ташкил этиш ниятидаман.

Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича жойларда кўплаб давра суҳбатлари ташкил этдик. Мунозара-музокараларда олис қишлоқларда яшовчи аҳолини тиббий кўрикдан ўтказиш масаласи қўйилган эди. Шу йил февраль ойида туман ҳокимлиги тиббиёт бирлашмаси билан ҳамкорликда, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси раҳбарлигида вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказидан мутахассисларни жалб этиб, ҳудуд аҳолисини тиббий кўрикдан ўтказдик. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронлари, меҳнат фронти фахрийлари тиббий кўрик натижаларига асосан санаторий ва курортларда бепул даволанишлари учун йўлланмалар тарқатилишига ёрдам бердим.

Саломатликни назорат қилиш ва амалий тиббий кўмакни яхшилаш масаласида "Маданият" массиви аҳолисидан мурожаат хати тушган эди. Шу хат юзасидан муаммони ечиш чораларини кўрмоқдаман.

**Суҳбатни "Тошкент ҳақиқати" мухбири Наргис ҲАСАНОВА ёзиб олди.**

Учрашув

# «БЎСТОН» ТОНГЛАРИ ШУКУҲЛИ

**Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, муносиб турмуш шароити яратишга қаратилган саъй-ҳаракатлар кўлами янада кенгайди.**

Ўзбекистон Касаба уюшмалари кенгаши "Касаба уюшмалари – фахрийларга" анъанавий акциясини ўтказмоқда. Вилоятнинг сўлим гўшаларидан бири бўлмиш "Бўстон" санаторийсида "Уруш ва меҳнат фронти фахрийлари" бўлими ташкил этилиб, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланди ва отахону онахонлар таклиф қилинди. Бу ерда фахрийлар соғлиқларини тиклаш баробарида, бўш вақтларини ҳам мазмунли ўтказдилар. Улар учун маданий тадбирлар дастури ишлаб чиқилган. Таниқли хонандалар, "Ниҳол" мукофоти совриндорлари ижросида байрам концерти, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир билан учрашув ташкил қилинди. Уруш ва меҳнат фронти фахрийлари ўртасида "Миллий қадриятлар ва урф-одатлар билимдони" танлови, "Сизнинг ҳаёт йўлингиз биз учун ибрат" мавзуида санаторий ишчи-ходимлари билан давра суҳбати ўтказилди. Улар шахмат-шашка бўйича ҳам ўзаро беллашдилар.

Шунингдек, фахрийлар учун Зангиота, Заркент ота зиёратгоҳлари ва "Минор" масжидига саёҳатлар уюштирилди. Фахрийларни муборакбод этиш учун санаторийга Ўзбек Миллий академик драма театри актёрлари ва мактаб ўқувчилари ҳам келиб, уларни хурсанд қилдилар.

Отахону онахонларни ҳомий ҳамда ҳамкор ташкилотлар байрам совғалари билан сийлашди.

**Ш. КАРИМОВА,**
**Ўзбекистон Касаба уюшмалари кенгаши маънавият-маърифат бўлими бошлиғи.**

Бандлик

# ДАСТУР ИЖРОСИ АМАЛДА

– 2015 йилнинг 1 январидан бошлаб микрофирма ва кичик корхоналар, фермер хўжаликлари учун ягона ижтимоий тўлов миқдорининг 25 фоиздан 15 фоизга қадар камайтирилганлиги иш берувчиларга янги иш ўринларини ташкил этишни янада рағбатлантирди, – дейди Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги бандликни таҳлил қилиш ва меҳнат миқдорини тартибга солиш бошқармаси бошлиғи Эркин Авезов. – Бунинг натижасида якка тадбиркорлик, фермер ва деҳқон хўжаликлари, ҳунармандлик, оилавий бизнесни ривожлантириш ҳисобига 112,5 минг кишининг бандлиги таъминланди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бу йўналишда Тошкент вилоятида амалга оширилган ишлар ҳам атрофлича муҳокама қилинди. Бандлик дастурига мувофиқ вилоятда 2015 йилда 87,2 минг иш ўрни яратилиши белгиланган. Жорий йилнинг биринчи чорагида 11,4 минг иш ўрни ташкил этилган ёки белгиланган режа 102,9 фоизга бажарилган.

Йиғилишда яратилаётган иш ўринларини сақлаб қолиш ва барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш, банд бўлмаган аҳолини, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари, хотин-қизлар, ногиронлар ва ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳоли тоифаларини ишга жойлаштиришда мутасадди вазирлик, ташкилот ва идораларнинг масъулиятини янада ошириш ҳамда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан фикр алмашилди.

**Н. АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Ҳуқуқий дарсхона

# НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ

Фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланишида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни беқиёс. Улар фуқаролик жамиятининг энг муҳим институти ҳисобланиб, давлатга тегишли бўлмайди, тижорат билан шуғулланмайди, лекин давлат ҳокимиятини шакллантиришда иштирок этади. Асосий вазифаси демократик қадриятларни, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга ҳисса қўшишдан иборатдир. Нодавлат нотижорат ташкилотлари жамиятдаги ижтимоий соҳалар – таълим, фан, маданият, санъат, соғлиқни сақлаш, бандлик ва бошқа муаммоларни ҳал қилишга кўмаклашади.

Таъкидланганидек, нодавлат нотижорат ташкилотларининг жамоат назоратини ўрнатиши давлат ҳокимияти тузилмалари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги ролини кучайтиради. Жамоатчилик назорати фуқаролик жамиятини барпо этишнинг энг муҳим шартларидан биридир. У мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаёти учун янгилик эмас. Азал-азалдан маҳаллалардаги маслаҳатлашувлар, оқсоқоллар кенгаши кўринишларида амал қилиб келган.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари мамлакатимизни модернизация қилишда фуқаролик жамияти институтлари иштирокини кенгайтиришга қаратилган "Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси устида ҳам фаол иш олиб бормоқда. Хусусан, бу лойиҳа кўплаб фуқаролик жамияти вакилларининг қизиқишини уйғотмоқда. Қонунчилик фуқаролик жамиятининг турли субъектлари, шу жумладан, нодавлат ташкилотларни жалб этган ҳолда ривожлантирилаётгани Ўзбекистонда жамоатчилик назорати аллақачон амалга оширила бошлаганини тасдиқлайди. Зеро, мазкур Қонун лойиҳаси жамоатчилик назоратини амалга оширишда ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш кўзда тутилганлиги билан ҳам муҳимдир.

Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида давлатнинг айрим вазифалари, шу жумладан, назорат ишлари жамоат ҳамда нодавлат ташкилотларга босқичма-босқич ўтказилмоқда. "Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий тамойилини яратишга хизмат қилади. Унда жамоатчилик назорати турлари, шунингдек, уни амалга оширишнинг ҳуқуқий тамойиллари, асослари, субъектлари, давлат органлари мансабдор шахслари ва бошқа хизматчиларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари белгиланади. Буларнинг барчаси давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган қарорлар қабул қилишдаги иштирокини, давлат органлари фаолиятининг ошкоралигини таъминлаш, белгиланган вазифалар ижроси юзасидан уларнинг масъулиятини оширишга хизмат қилади.

Мухтасар айтганда, "Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилини амалиётда жамоатчилик назоратисиз тасаввур этиш қийин. "Ўзбекистонда жамоатчилик назорати тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши давлатимиз раҳбари илгари сурган Концепцияда белгилаб берилганидек, мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари ривожининг янги босқичини бошлаб беради ва миллий давлатчилигимиз тараққиётида муҳим аҳамият касб этади.

**Насиба ТУРҒУНОВА,**
**республика ИИВ Академиясининг демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти кафедраси ўқитувчиси.**


Эълонлар

**"TASHKENT REALTOR SERVICE" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши шаклида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига ТАКЛИФ ЭТАДИ!**

Очиқ аукцион савдосига туман захира ерлари ҳисобига олинган ер майдонларида фермер хўжаликларини ташкил этиш мақсадида қуйидаги "Боғзор" ва "Узумзор"лар қўйилмоқда:

1. Зангиота тумани, "Масалбой" ҚФЙ, "F.Умаров" агрофирмаси ҳудудида жойлашган "ANVAR-FAYZ-BARAKA BOG'I" фермер хўжалигидан туман захира ерлари ҳисобига олинган жами 8,9 гектардаги 4,7 гектар "Узумзор", бошланғич баҳоси 5 323 000 сўм.

2. Зангиота тумани, "Масалбой" ҚФЙ, "F.Умаров" агрофирмаси ҳудудида жойлашган "HASANOV MAXMUD AHMADXO'JA" фермер хўжалигидан туман захира ерлари ҳисобига олинган жами 9,30 гектардаги 6,93 гектар "Узумзор", бошланғич баҳоси 6 490 000 сўм.

3. Зангиота тумани, "Ҳасанбой" ҚФЙ, "Обидов Нажмиддин файз" массиви ҳудудида жойлашган "SARDORBEK AGRO" фермер хўжалигидан туман захира ерлари ҳисобига топширилган жами 16,21 гектардаги 5,34 гектар "Боғзор", 8,59 гектар "Узумзор" ва 0,16 гектар ихота дарахтлари, бошланғич баҳоси 6 240 000 сўм.

Очиқ аукцион савдоси 2015 йил 19 июнь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй, Биржа Маркази биносида бўлиб ўтади. Ушбу кунда сотилмай қолган "Боғзор" ва "Узумзор"нинг такрорий савдоси 2015 йилнинг 6 июль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагини билдирган шахслар "Закалат пули тўғрисидаги келишуви"ни имзолагандан сўнг, объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "TASHKENT REALTOR SERVICE" МЧЖнинг "Ипак йўли" АИТБ Тошкент шаҳар Миробод филиалидаги 20208000804876496001 ҳисоб рақамига, МФО 01101, СТИР 301743808 тўлашлари лозим.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак:

- юридик шахслар учун - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида қонун билан белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- жисмоний шахслар учун - паспорт нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида қонун билан белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Мазкур ҳужжатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб, жамиятнинг расмий иш кунида соат 9.00 дан 16.00 гача Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй, 1-қават, 16-хонада қабул қилинади ва савдо белгиланган кундан 1 (бир) кун олдин соат 16.00 да тўхтатилади.

Қўшимча маълумотларни realtorservice@mail.ru, 147-40-00 телефон рақами орқали олишингиз мумкин.

RR - № 0008.

**"TASHKENT REALTOR SERVICE" МЧЖ 2015 йил апрель ва май ойларида ўтказилган очиқ аукцион савдолари натижаларини маълум қилади!**

1. Зангиота тумани, "Ғишткўприк" агрофирмаси ҳудудида жойлашган "O'TKIR ZIYO FAYZ" фермер хўжалигидан туман захира ерлари ҳисобига олинган жами 10,45 гектардаги 10,18 гектар "Боғзор", бошланғич баҳоси 4 067 000 сўм. Сотилиш баҳоси - 5 330 000 сўм.

2. Зангиота тумани, "М.Улуғбек" массивида жойлашган "ULUG'BEK TOSHKENBOEV AGRO" фермер хўжалигидан туман захира ерлари ҳисобига олинган жами 8,3 гектардаги 5,06 гектар "Боғзор", бошланғич баҳоси 6 178 000 сўм. Сотилиш баҳоси - 8 031 400 сўм.

3. Зангиота тумани, "Кўктерак" қ.ф.й, "Кўктерак ҳосилот файз" агрофирмаси ҳудудида жойлашган "M.MA'MUROV" фермер хўжалигидан туман захира ерлари ҳисобига олинган 5,8 гектар "Узумзор", бошланғич баҳоси 6 160 000 сўм. Сотилиш баҳоси - 8 008 000 сўм.

RR - № 0008.

**Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаментининг "Тошкент вилояти ҳудудида шаҳар ва шаҳар атрофида йўловчиларни ташиш фаолиятини лицензиялаш бўйича комиссияси"нинг 2015 йил 15 майдаги 20-сонли Баённомаси қарори билан:**

I. Ўзбекистон Республикасининг "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Қонунининг 23-моддасига асосан:

1.1. "ZEBO TRANS" О.К.га "Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳар атрофида енгил автомобилларда ташиш" фаолиятини амалга ошириш учун берилган "АТ" серияли, 000722-рақамли лицензиянинг амал қилиш муддати тугатилди.

1.2. "ABDURAZZOQ-TEZKOR AVTO SERVIS" масъулияти чекланган жамиятига "Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳар атрофида микроавтобусларда ташиш" фаолиятини амалга ошириш учун берилган "АТ" серияли, 000667-рақамли лицензиянинг амал қилиш муддати тугатилди.

1.3. "LOCHIN INVEST SERVIS" Х.Ф.га "Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳарда автобусларда ташиш" фаолиятини амалга ошириш учун берилган "АТ" серияли, 000783-рақамли лицензиянинг амал қилиш муддати тугатилди.

1.4. "ZAFAR ATS" Х.К.га "Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳар атрофида микроавтобусларда ташиш" фаолиятини амалга ошириш учун берилган "АТ" серияли, 000386-рақамли лицензиянинг амал қилиш муддати тугатилди.

**"AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!**

2015 йил 8 июнь куни соат 12.00 да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган такрорий "Очиқ аукцион" савдосига ЖИБ туман судининг 2014 йилдаги 14442, 14443, 14445, 14446, 15713-сонли ҳамда Олмалиқ шаҳар судининг 2014 йилдаги 11226-сонли ижро варақаларига асосан Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан хатланган ҳамда Чирчиқ шаҳар ИИБ ЙХХБ жарима майдончасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: бошланғич баҳоси 3 222 844 сўм бўлган 1972 йилда и/ч, д/р 01S938KA, "ВАЗ-2102" р-ли ав-на; бошланғич баҳоси 4 440 041 сўм бўлган 1996 йилда и/ч, д/р 10M064BA, "ГАЗ-31029" р-ли ав-на; бошланғич баҳоси 16 172 100 сўм бўлган 1995 йилда и/ч, д/р 10H470AA, "Форд-транзит" р-ли микроавтобус; бошланғич баҳоси 6 240 140 сўм бўлган 1994 йилда и/ч, д/р 10T344AA, "Доган" р-ли ав-на; бошланғич баҳоси 4 818 404 сўм бўлган 1982 йилда и/ч, д/р 10Z923EA, "ВАЗ-2105" р-ли ав-на, бошланғич баҳоси 1 057 050 сўм бўлган 1971 йилда и/ч, д/р 10E529KA, "ВАЗ-2101" р-ли ав-на.

2015 йил 23 июнь куни соат 12.00 да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган "Очиқ аукцион" савдоларига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: ЖИБ Паркент туман судининг 23.10.2014 йилдаги 1-129-2015-сонли ижро варақасига асосан Бўстонлиқ туман СИБ томонидан хатланган ҳамда Бўстонлиқ туман Ғазалкент-2 "Мариам Текстил Сервис" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган бошланғич баҳоси 6 041 000 сўм бўлган 1996 йилда и/ч, д/р 10A691KA, "ВАЗ-21099" р-ли ав-на; Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар 3-сон давлат нотариал идорасининг 19.02.2015 йилдаги ижро хатига асосан Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан хатланган ҳамда Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Истиқбол кўчаси, 8-уй Чирчиқ шаҳар СИБ биносида сақлананётган 1985 йилда и/ч, д/р 10U805EA, "Опель"р-ли ав-на.

Савдолар Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уйда жойлашган "Савдо ташкилотчиси"нинг аукцион залида бўлиб ўтади. Аукцион савдосига қўйилган мулклар билан туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк кун ичида мулк учун тўловларни амалга ошириши лозим. Талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдодан бир кун олдин соат 12.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Савдо ташкилотчиси"нинг АТБ "InfinBANK" Шайхонтоҳур филиалидаги, МФО 01041, ИНН 302477464, 20208000505015685001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан бирга қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт: жисмоний шахслар - паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати; юридик шахслар - давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва устав нусхаси, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома; чет эл юридик ва жисмоний шахслар - сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумот. Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Тел.: (95) 177-96-74, e-mail: info@auksion.uz.

Гувоҳнома № 005148.

**"VIP REAL ESTATE" МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!**

2015 йил 23 июнь куни соат 12.00 да мулкнинг бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошириш тартибида ўтказиладиган "Очиқ аукцион" савдосига ФИБ Чирчиқ туманлараро судининг 06.05.2014 йилдаги 1-3238/14-сонли ижро варақасига асосан Паркент туман СИБ томонидан хатланган Тошкент вилояти, Паркент тумани, Паркент шаҳри, Бўрсилиқ кўчасида жойлашган, умумий фойдали майдони 27,0 кв.метрдан иборат бўлган "Савдо дўкони" биноси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси - 20 650 000 сўм. Савдога чиқарилган мулк билан Паркент туман СИБ бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 12.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк кун ичида мулк учун тўловларни амалга ошириши лозим. Талабгорлар тузиладиган "Закалат келишуви"-га асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Савдо ташкилотчиси"нинг АТБ "InfinBANK" Шайхонтоҳур филиалидаги 20208000600250595001, МФО 01041, ИНН 302681189 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: жисмоний шахслардан - паспорт нусхаси; юридик шахслардан - давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати; чет эл юридик ва жисмоний шахслар - сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумот. Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Манзил: Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Телефон: (0595) 143-01-43, e-mail: info@realtors.uz.

Лицензия рақами № RR-0173.

**"NEW ESTATE ACTION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдоларига: 1. Тошкент вилояти Зангиота тумани СИБ томонидан: 2014 йил 10 июлдаги 1-3536/14-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент вилояти, Зангиота тумани Туркистон ҚФЙ манзилида жойлашган, (иссиқхона 792,48 кв.м., биноси 152,44 кв.м., молхона 443,0 кв.м., бино иншоотлар 59,30 кв.м.) қурилиши тугалланмаган "Иссиқхона бино ва иншоотлари" қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси - 480 000 000 сўм. Аукцион савдоси 2015 йил 5 июнь куни соат 12:00 да бошлаб ўтказилади. 2. Тошкент вилояти Янгийўл тумани СИБ томонидан: 2015 йил 3 мартдаги №11-1506/18026-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Шўралсой ҚФЙ, "Ҳақиқат" маҳалла манзилида жойлашган, умумий ер майдони 6,8 Га дан иборат, таъмирталаб ҳолатдаги "Чорвачилик бино-иншоотлари" қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси - 2 800 000 000 сўм. Аукцион савдоси 2015 йил 23 июнь куни соат 12:00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш (соат 10.00 дан соат 16.00 гача), аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдога қўйилган кўчмас мулк билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "NEW ESTATE ACTION" МЧЖнинг ОАИТБ "Ипак йўли" Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО 01101, ИНН 302373151. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М.Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: 254-69-13.

Лицензия RR-0148.

Яккасарой тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан 14.06.2013 йилда № 007282-11 реестр рақами билан рўйхатга олинган, Яккасарой тумани, Ўрикзор кўчаси, 140-уй, 2-хонадонда жойлашган "YOUNG HEE INDUSTRY" (ИНН 302637906) МЧЖ тугатилади (таъсисчининг 18.05.2015 йилдаги 5-сонли қарорига асосан). Даъво ва аризалар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида (+99890) 805-86-62 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Бектемир тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан 22.04.2013 йилда № 001306-02 реестр рақами билан рўйхатга олинган, Бектемир тумани, Х. Байқаро кўчаси, 1-Б уйда жойлашган "SHAXLOBEGIM SERVIS" (ИНН 302586259) МЧЖ тугатилади (таъсисчиларнинг 13.05.2015 йилдаги 5-сонли баённомасига асосан). Даъво ва аризалар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида (+99871) 295-45-85 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Утерянное гувохнома № 003922 за реестр № 003922-03 от 11.06.2009 г. ООО "AROSTR" (ИНН 203833411), считать недействительным.

Зангиота туманидаги (собиқ Тошкент тумани 3-мактаб) 50-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1992 йилда Акрамходжаева Шахло Эргашходжаевна номига берилган 8-синфни битирганлик тўғрисидаги № 136803 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ООО "FALCON TRADE BUSINESS" сообщает об уменьшении уставного фонда с 336 367 500 (триста тридцать шесть миллионов триста шестьдесят семь тысяч пятьсот) сум до 6 000 000 (шесть миллионов) сум (согласно протокола учредителей от 01.02.2015 г.).

"MEBEL TASHKENT LYUKS" (ИНН 302729054) МЧЖга тегишли бўлган бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

"TRASSA COMPANY" МЧЖга тегишли бўлган АТ № 1530685 рақамли лицензия варақаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Олмазор тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "MIRXON NAZARIY" МЧЖ Олмазор тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "GAMMA GROUP" МЧЖга бирлашишини маълум қилади.

Шайхонтоҳур тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "DILSHODA-MUZAFFAR" хусусий корхонасига тегишли бўлган бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "BAU MAX BARAKA" (ИНН 300987014) МЧЖнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли "BAU MAX BARAKA" хусусий корхонасига ўзгаришини маълум қилади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида 267-07-86 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Тошкент автомобиль ва йўллар касб-ҳунар коллежи (аввал Тошкент автомобиль ва йўллар техникуми) томонидан 2000 йилда Ахмедов Суҳбат Абдумаликович номига берилган № 331442 (қайд рақами № 529) рақамли диплом иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

"PENOPLAST LYUKS" (ИНН 302771883) хусусий корхонасининг ташкилий-ҳуқуқий шакли "PENOPLAST LYUKS" масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхонага ўзгаришини маълум қилади ҳамда "PENOPLAST LYUKS" масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхона "PENOPLAST LYUKS" хусусий корхонасининг барча ҳуқуқ ва мажбиятларини ўз зиммасига олган ҳолда унинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади. Телефон: (+99893) 184-70-77.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан "ABU-BAKIR SIFAT SERVIS" МЧЖга 2013 йил учун юкларни автомобиль транспортида шаҳар ва шаҳар атрофида ташиш ҳуқуқини берувчи № 1446128 ҳамда № 1446129 рақамли лицензиялар йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ООО "TASHKENT BOTTLERS" (ИНН 300377764), зарегистрированное ИРСП хокимията Яккасарайского района г. Ташкента за реестр № 002948-11 от 29.03.2007 г., ликвидируется (решения единственного учредителя от 16.05.2015 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по телефону: (+99893) 585-25-91, (99890) 916-17-54.

Китоб жавонингизга

# ЮЗЛАРИДА ЗИЁ, ТИЛЛАРИДА ДУО




**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи Эркин Ғуломов нафақат вилоятимиз, балки республикамизда таниқли ижодкор устозлардан. Унинг "Истиқлол" нашриётида чоп этилган навбатдаги китоби "Юзларида зиё, тилларида дуо" дея номланибди.**

Салкам 65 йиллик меҳнати маҳсули бўлмиш "Эзгулик – ҳаёт гултожи", "Пойтахт номи билан танилган туман", "Ўзликни англаш", "Покиза дил", "Меҳр қолур – оқибат қолур", "Ҳаёт зийнати", "Маҳалла – қадрият ва анъаналар бешиги", "Биз қуриш, яратиш йўлидан боравeрамиз" номли китоблари ҳамда маънавият ва маърифатга оид юзлаб мақолалари қаторига қўшилган бу янги рисола Юртбошимизнинг: "Бугун фахрийларимизнинг ҳурматини жойига қўйиш, ҳар қайси кекса одамнинг юрагига етиб бориш, кўнглини кўтариш, шу билан бирга, уларнинг ҳаётини мазмунли қилиш йўлида олиб бораётган ишларимизни кучайтириш, самарасини ошириш зарур" деган сўзлари билан бошланади. Ва бу эзгу ниятлар рўёби йўлида мамлакатимизда амалга оширилаётган кўпгина хайрли саъй-ҳаракатлар ҳақида маълумотлар келтириш асносида кексаликнинг ўзига хос жиҳатларини ўз қувваи ҳофизаси даражасидаги мулоҳазалари китобхонда қизиқиш уйғотиши табиий.

Бу китоб нафақат кексаларни улуғлаш, балки бундай ҳурмат-эҳтиромга муносиб бўла олиш ҳақидаги ибратли мулоҳазалар билан ҳам барчага сабоқ беради. Унда қадимги файласуфлардан бири Петрарка Франческонинг шундай фикрлари келтирилган: "Одатда куз ойининг ёқимли ва баракали бўлиши учун ёзда меҳнат қилиб, унинг ғамини ейиш керак. Худди шунга ўхшаб, умр шоми – кексалик ҳаётнинг тузсиз, мевасиз, ҳасратли ва бефойда қисмига айланиб қолмаслиги учун ёшликда тинимсиз меҳнат билан унинг пойдеворини мустаҳкамлаш зарур. Ана шунда кексалик осойишталик, мўлкўлчилик ва эзгуликдан куч олади, фойдали ва қувончли ўтади"...

Муаллифнинг замондошлари, ибратли кишилар ҳаёти ҳақидаги ҳикоялари қаторида шоир Темур Убайдуллаевнинг "Юз ёшли онамнинг дуоси" ҳам келтирилганки, унда эзгу ният, ҳалол меҳнат, шукроналик, бағрикенглик улуғланади. Жаҳон адабиёти, тарихи, фалсафий олами намоёндаларининг кексалик, ибратли умр кечиришнинг фароғати, саодати ҳақидаги фикрлари эса, китобхонда бу дунёнинг хосиятлари-ю, одамзотни бурч ва фарзларни ўйлашга, идрок этишга чорлайди. Айниқса, тўртқўллик 135 ёшли Тўти момо Юсупова ҳақидаги ҳикоялар ўқувчини тирик тарих билан юзлаштиради десак муболаға бўлмас.

Қисқаси, миллий ўзлигимиз, қадриятларимиз, ўзбекона фазилатлар ҳақидаги бисёр асарлар қаторидан ўз ўрнини топган мазкур китоб муаллифини янги рисола билан қутлар эканмиз, унда келтирилган мамлакатимиз раҳбарининг яна бир сўзлари билан мулоҳазаларимизни якунлашни жоиз деб билдик:

"...Бизларни дунёга келтириб, вояга етказган, ўзининг меҳнати билан бугунги ҳаётга катта ҳисса қўшган кекса авлод олдида барчамиз ҳамиша қарздормиз. Уларни эъзозлаш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир".

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

Спорт

# КУЧЛИЛАР АНИҚЛАНДИ

**Пойтахтимизда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан ташкил этилган анъанавий "Касаба-тур" веломарафонининг мамлакат босқичи бўлиб ўтди.**

Мусобақанинг очилишида Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Т. Норбоева ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида спортни ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор самарасида аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида велоспорт тобора оммалашиб бораётганини таъкидлади.

Мазкур мусобақа корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, спортни оммалаштириш, турли соҳа ходимларининг ўзаро ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилди.

Веломарафон тўрт босқичда ўтказилди. Жорий йилнинг март-апрель ойларида бўлиб ўтган қуйи босқичларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги корхона ва ташкилотларнинг 428 минг нафардан ортиқ ходими қатнашди. Уларнинг 84 минг нафарини хотин-қиз, 300 нафардан ортиғини меҳнат фахрийлари, ёши улуғ инсонлар ташкил этгани мазкур мусобақанинг аҳоли ўртасида кенг оммалашаётганидан далолатдир.

"Касаба-тур" веломарафонининг мамлакат босқичи ҳам қизиқарли баҳсларга бой бўлди. 20 ёшдан 35 ёшгача бўлган веломарафончилар ўртасидаги баҳсларда андижонлик Темур Обидов ва пойтахтлик Ирина Лукиенко биринчи, андижонлик Мансур Йўлдошев ва навоийлик Зулфия Низомова иккинчи, жиззахлик Азиз Ҳалимов ва қашқадарёлик Райҳон Тиловова учинчи ўринни эгаллади.

35 ёшдан катта бўлган эркаклар ва аёллар ўртасида Тошкент вилоятидан Игорь Ларин, фарғоналик Георгий Бордошенко, наманганлик Фазлиддин Шаҳобиддинов, пойтахтлик Галина Чиганова, қорақалпоғистонлик Светлана Железнова ва хоразмлик Муҳайё Аҳмедовалар ғолиб ва совриндор бўлди.

Мусобақада турли номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

**Байрам АЙТМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири.**



***– Қани, неваралар айтганидек юриб кўрайчи...***

ЭЪЛОН

**"KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига 1) Тошкент шаҳар Олмазор тумани СИБ томонидан тақдим қилинган, Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар М.Улуғбек туман судининг 01.12.2012 йилдаги №1-550/2012-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич нархи - 151 040 000 сўм бўлган; Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Қорасарой кўчаси, 263-А уйда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 965,40 кв.м., қурилиш ости майдони 62,50 кв.м.дан иборат бўлган 2 та яшаш хонадан иборат "тураржой"; 2) Тошкент шаҳар Яккасарой тумани СИБ томонидан тақдим қилинган, Тошкент шаҳар хўжалик судининг 8.05.2014 йилдаги №10-1108/18512-сонли ижро варақасига асосан, бошлангич нархи - 3 500 000 000 сўм бўлган; Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, А.Қаҳҳор кўчаси, 2-уйда жойлашган, эгаллаб турган ер майдони 11140,0 кв.м., фойдали майдони 5712,0 кв.м.дан иборат бўлган "16 қаватли қурилиши тугалланмаган уй-жойнинг блок-Б қисмидаги 1-қаватидан 8-қаватигача бўлган уй-жойлар"; 3) Тошкент шаҳар Яккасарой тумани СИБ томонидан тақдим қилинган, Тошкент шаҳар хўжалик судининг 8.05.2014 йилдаги №10-1108/18513-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич нархи - 3 500 000 000 сўм бўлган; Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, А.Қаҳҳор кўчаси, 2-уйда жойлашган, эгаллаб турган ер майдони 11140,0 кв.м., фойдали майдони 4440,0 кв.м.дан иборат бўлган "16 қаватли қурилиши тугалланмаган уй-жойнинг блок-Б қисмидаги 9-қаватидан 16-қаватигача бўлган уй-жойлар" қўйилмоқда. Аукцион савдолари 2015 йилнинг 23 июнь куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Такрорий аукцион савдосига Тошкент шаҳар, Олмазор тумани СИБ томонидан, Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туманлараро судининг 11.08.2014 йилдаги 1-2997/14-сонли ижро варақасига асосан; бошланғич нархи - 70 246 400 сўм бўлган, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Қора Қамиш 1/1-даҳаси, 21-уйда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 65,65 кв.м., яшаш майдони 40,07 кв.м.дан иборат бўлган 3 та яшаш хонадан иборат 44-хонадон "тураржой" қўйилмоқда. Аукцион савдолари 2015 йилнинг 9 июнь куни соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги 20208000104931635001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт, МФО 00425, СТИР 207128747, ОКОНХ 83400.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар расмий иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: № 0039.

Ҳаёт сабоқлари

# ОЛТИН ЗАНГЛАМАЙДИ, КЎНГИЛЧИ?



Кечаси билан бўралаган қор тонгга яқин ҳовуридан тушди. Атроф оппоқ. Кутган дамлари келганидан қувонган болалар қорда гоҳ думалаб, гоҳ қорбўрон ўйнашмоқда. Уларнинг бу қувончи ҳали-бери тинмайди. Чунки қишлоқлари тоққа яқин бўлгани учун қор устма-уст ёғаверади, баҳорнинг охирига бориб, аранг эрийди. Кўчада кичкинтойларнинг ўйин-кулгуси авжига минаётганига ҳамоҳангдек, Санобар опаларникидаги жанжал ҳам тобора заптига олмоқда.

– Сен кўрмасанг қаёққа йўқолади? – деди қайнона келинига. – Кеча ўз қўлим билан бердим, тўғрими? Бугун бир тукинг қилт этмай: "Мен билмайман" дейсан. Ахир у онамдан қолган ягона ёдгорлик...

– Айб менда ойижон... Бироқ, мен шу ерга қўйгандим-да! Мени кечиринг... – дея зорланади Шаҳодат ўзини қўярга жой тополмай.

Аммо аллақачон ғазаб отига минган қайнона қани энди бу гапларга ишонса, келинини эшитса. Чиндан ҳам Шаҳодат шу кунгача бу уйдан нинани ҳам сўроқсиз олмаган. Аммо зирак қурмагур қаерга йўқолди? Нега ҳеч ким кўрдим демайди? Гўё ер ютгандай. Шаҳодат ҳаммасини бирма-бир эслай бошлади. Қайнонаси йиғиндан қайтиб келганидан бошлаб, то оқшомда уйқуга ётгунча, уйга бирор бегона кирмади. Ҳа, ҳеч ким келмади...

Аниқ ёдида, қайнонаси йиғиндан неварасини эргаштириб келди. Шаҳодат уларни очиқ чеҳра билан қаршилаб, қўлидаги тоғорани олди. У уч-тўрт қадам юрмай, қайнонаси қулоғидаги зирагини ечиб, унга узатгани ҳам рост. Кейин қаерга қўйганини шунча уринса ҳам эслолмади...

Ўша кундан бошлаб уйдан жанжал аримай қолди. Эртага нима бўлишини одамзот олдиндан билганида эди, олтинни қадр тутганлар ўз қадрларини қаритмаган бўлармиди?!

Мана, яна қорлар эриб, она табиат аста уйғона бошлади. Барака уруғлари ниш уриб, майсалар кўкка бўй чўзганча, борлиқ яшилликка бурканмоқда. Кулган куртаклар гўзаллигига кўз тўймайди. Аммо Шаҳодатнинг ичига чироқ ёқса ёришмайди, кўнгли ғаш. Оёқлари тагида эзғилаётган майсаларга эътибор бермай бораётган аёл яшиллик орасида ярим лойга ботиб ётган ялтироқ нарсага кўзи тушганда, вужуди алланечук бўлиб кетди. Юраги қафасда потирлаётган какликдай энтикди. Наҳотки йўқолган зирак шу бўлса?! Минг бир ҳадик билан қуёшда товланаётган нарсага аста қўл узатди. Ҳа, бу ўша йўқолган иракнинг ўзгинаси. Қаранг, тилла зирак шунча вақт қор тагида қолиб кетса ҳам ҳеч ўзгармабди. Бироқ у топилгунча, маломатга беланган кўнгилни шундай қурум босдики, пок-покиза қалбдаги меҳру оқибат гўё темирни занг емиргандек, юпқалашиб улгурди...

**Юнус БЕК.**




## ЭРОН САНКЦИЯДАН ҚУТУЛАДИМИ?

**Эрон нефть вазири ўринбосари Рокниддин Жаводийнинг баёнот беришича, мамлакат санкциядан озод бўлгач, уч ой ичида кунига 2,5 миллион баррел нефть қазиб чиқариш даражасига кўтарилади.**

Reuters агентлиги тарқатган хабарда келтирилишича, вазир ўринбосари 2016 йилнинг охирларига бориб, бир баррел нефтнинг баҳоси 80 долларга кўтарилиши мумкинлигини тахмин қилган. Шунингдек, у ҳаммаси бозордаги вазият ва нархларга боғлиқ бўлсада, Эрон нефть савдосини қайта тиклашига ва бир кунда 2,5 миллион баррел нефтни экспорт қилишига ишонч билдирди.

2 апрель куни Лозанна шаҳрида Эрон ҳамда халқаро олтита "воситачи" Эроннинг ядро дастури хусусида сиёсий битимга эришган эди. Шу битимга мувофиқ Эроннинг уранни бойитиш имкониятлари чекланади, унинг захираси эса мамлакатдан олиб чиқиб кетилади. Ядро дастури тинчлик мақомига эга бўлиши кафолати эвазига Теҳронга аввал жорий этилган санкция олиб ташланади.

## АВАРИЯ САБАБИ ҲОЗИРЧА НОМАЪЛУМ

**АҚШ ҳарбий денгиз кучларига қарашли MV-22 Osprey конвертоплани Гавайя штатида ўтказилган ўқув-машғулот пайтида авария ҳолатида ерга қўнишга мажбур бўлди.**

Маҳаллий нашрлардан бирининг ёзишича, юз берган авария сабабли 12 киши шифохонага ётқизилди. Улардан бири ҳаётдан кўз юмди. Учар аппарат бортида 22 киши, шу жумладан 15 денгиз пиёдалари ва 4 экипаж аъзоси бор эди.

Авария сабаблари ҳозирча номаълум. Воқеа жойида қутқарувчилар ҳаракат қилмоқда. У ердан кўтарилаётган олов ҳамда қуюқ тутун олис масофалардан ҳам кўзга яққол ташланаяпти.

Тезликни соатига 500 километрдан ошириш имкониятига эга бўлган конвертоплан бортида 24 десантчи билан учиш имкониятига эга.

## ДУШМАН ТЎДАЛАР ЎРТАСИДА ОТИШМА

**Американинг Техас штатидаги Уэйко шаҳрида безори мотоциклчилар ўртасида юз берган тўқнашув охир-оқибат қирпичоққа айланиб кетди.**

Маҳаллий телеканал полиция маълумотига таяниб тарқатган хабарда айтилишича, 9 киши ҳалок бўлди, 17 киши жароҳатланди. Полиция вакили Патрик Суонтоннинг таъкидлашича, бу икки ўзаро душман мотоциклчи тўдалар ўртасидаги жанжал ресторанлардан бирида содир бўлиб, безорилар ташқарига чиқишди ва таёқ, пичоқ ҳамда ўқ отиш қуролларини ишга солдилар. 8 киши шу жойнинг ўзида ҳалок бўлди, яна бир киши кейинчалик шифохонада ҳаётдан кўз юмди. Воқеа жойида 100 дан зиёд қуроллар топилди. Ур-йиқит иштирокчиларидан бир неча киши ҳибсга олинди.

Суонтоннинг айтишича, полиция тўдалар ўртасида жанжал чиққани ва улар тўқнашувга тайёргарлик кўришаётганидан хабардор эди. Шу боис улар ресторанда эдилар, бироқ, отишма бошланганда уни вақтида тўхтатишга улгуролмадилар.

## ЯПОНИЯДА ЭБОЛА ВИРУСИ

**Мамлакатнинг Фукуока префектурасида Эбола вирусини юқтириб олганликда гумон қилинган бемор шифохонага ётқизилгани ҳақида маълумот тарқатди Япония соғлиқни сақлаш вазирлиги.**

Маълум бўлишича, гумондор киши Гвинеядан қайтиб келгач, бир-икки кун орасида боши қаттиқ оғриб, тана ҳарорати кўтарилиб, 38 даражадан тушмай қолди. Унинг ўзи Гвинеяда бўлган даврида вирусни юқтириб олган кишилар билан муомалада бўлмаганини айтди. Шунга қарамай, тиббиёт ходимлари унинг қонини таҳлил қилмоқдалар. Биринчи таҳлилда унинг қонида Эбола вируси келтириб чиқарадиган вирус борлиги аниқланмади.

Умуман олганда, шу пайтгача Японияда Эболага чалинган бирор фуқаро рўйхатга олинмади. Бироқ, ушбу хавфли касалликнинг олдини олиш учун мамлакатда қаттиқ карантин чоралари жорий этилган. Жумладан, Гвинея, Либерия, Сьерра-Леоне ва Конго мамлакатларида кейинги уч ҳафта давомида бўлиб қайтганлар Япония аэропортига келишлари билан ҳукуматни, шунингдек, Ғарбий Африкадан келганлар 21 кунлик муддат ичида ўз соғлиқлари ҳақида мутахассисларни хабардор қилишлари лозим.

Асосан Африка мамлакатларида бошланган Эбола хасталиги шу кунгача 11 мингдан зиёд кишининг ёстиғини қуритди. Ушбу хавфли касаллик вирусини янгидан юқтириб олиш ҳолатлари Сьерра-Леоне ва Гвинея мамлакатларида ҳамон давом этмоқда.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

ООО "REC TIME" (ИНН 303240633) в связи с уменьшением доли в уставном фонде участника Said-Adxam Xamidulloxon-O'g'li G'oziyev сообщает об уменьшении уставного фонда с 50 000 000 сум до 25 000 000 сум. Претензии принимаются по адресу: г. Ташкент, Шайхантахурский район, ул. А. Ходжаева, дом 2.

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги "INTELEKT BIZNES PLUS" МЧЖнинг устав жамғармаси 300 701 760 сўмдан 288 111 760 сўмга камайишини маълум қилади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 628-28-82 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманида жойлашган "RAMZ" МЧЖга тегишли бўлган Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Марказ-5, Хуршид кўчаси, 4-уй манзилида жойлашган нотураржойга оид № 10070101020015 рақамли кадастр ҳужжати ҳамда Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 4-уй манзилида жойлашган нотураржой бўйича № 9-104/2011 реестр рақами билан давлат кадастр рўйхатидан ўтказилган кадастр иши йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент вилояти Зангиота туманида жойлашган "BARAKA QURILISH INVEST" МЧЖга туман ҳокимияти томонидан берилган ВА № 0000042 рақамли лицензия, № 00002272 рақамли гувоҳнома ҳамда № 2272 рақамли низом (устав) йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган, Шайхонтоҳур тумани, Марказ-13, 22-уй, 5-хонадонда жойлашган "YULIYA KAPITAL" (ИНН 303108107) хусусий корхонасининг ташкилий-ҳуқуқий шакли "YULIYA KAPITAL" масъулияти чекланган жамиятига ўзгаришини маълум қилади.

ООО "BEST FOOD CHAINS" (ИНН 303034366, ОКПО 25257355) Шайхантахурского района г. Ташкента сообщает об уменьшении уставного фонда с 50 000 000 сум до 45 000 000 сум. Претензии принимаются по адресу: г. Ташкент, Шайхантахурский район, ул. Коратош, дом 5-А.

ООО "FROZEN YOGURT" (ИНН 303291340) сообщает об изменении формы собственности на ЧП "FROZEN YOGURT". Телефон: 117-07-77.

Тошкент вилояти Зангиота тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "AGROMADAD-BARAKA" фермер хўжалигига тегишли бўлган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Олмазор тумани ҳокимияти ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан 23.05.2014 йилда № 007462-05 реестр рақами билан рўйхатга олинган "PRIME NIGHT SERVICE" МЧЖнинг устав жамғармаси 300 000 000 сўмдан 75 855 000 сўмга камайишини маълум қилади.

"Ипотека банк" АТИБ Сергели филиалига тегишли аҳолидан коммунал тўловларни қабул қилиш учун мўлжалланган қатъий ҳисобда турувчи 21 дона IPB 521205-521225 рақамли 0402005 (ф-430) шакл бланклари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Яккасарой тумани ТСРЎИ томонидан 05.05.2011 йилда № 005992-11 реестр рақами билан рўйхатга олинган "BOSABO EDUCATION PRO" (ИНН 207118538) ХК тугатилади (таъсисчининг 11.05.2015 йилдаги қарорига асосан). Даъво ва аризалар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Мирзо Улуғбек тумани, Қушбеги 18-уйда ёки 237-64-44 телефон рақами орқали қабул қилинади.

ООО "SAID YUNUS" (ИНН 302690193) реорганизуется в частное предприятие "SAID YUNUS" Мирзо-Улугбекского района г. Ташкента.

"VILLAGE FOOD" МЧЖнинг устав жамғармаси 2 132 124 706,18 сўмдан 365 120 706,81 сўмга камайишини маълум қилади.

Утерянный угловой штамп ООО "RABIS OPT" Яккасарайского района г. Ташкента, считать недействительным.

Утерянный диплом В № 013719, выданный в 2004 году O'zbekiston Davlat jahon tillari universiteti на имя Курбановой Гулноры Мустафаевны, считать недействительным.

ООО "REPAIR GROUP" Мирзо-Улугбекского района сообщает об перерегистрации в ЧП "REPAIR GROUP" с уменьшением уставного фонда с 571 725 305,65 сум до 11 106 331 сум.

"OQ OLTIN INVEST TEX" МЧЖда ишлаб келаётган Туркия фуқароси Чамлибел Йемлихага берилган меҳнат фаолияти ҳуқуқи тасдиқномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

"MAX GROUP" (ИНН 302941932) МЧЖнинг устав жамғармаси 119 957 000 (бир юз ўн тўққиз миллион тўққиз юз эллик етти минг) сўмдан 10 000 000 (ўн миллион) сўмга камайишини маълум қилади. Даъволар Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Исломобод 1-тор кўча, 8-уйда қабул қилинади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-2941. Адади 13740. Баҳоси келишилган нархда. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.00.